



ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ЮЗАСИДАН НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МИЛЛИЙ ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ҚАХҲОРОВ ДИЛШОДБЕК ҒАФУР ЎҒЛИ

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти

Жиноят қидирув хизмати Ахборот-таҳлил бўлими

етакчи мутахассиси, капитан



Annotatsiya. Мазкур мақолада ярашув институтининг қўлланилиши юзасидан шу соҳада фаолият олиб борган миллий олимларнинг назариялари таҳлили ва миллий тизимда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар ёритилган.

Kalit so'zlar: яраштириш, , институт жиноий ва маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик ва жабрланувчи, махсус қисм, қилмиш ва чора-тадбирлар .

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши мазкур институтни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада олимларнинг фикри турлича бўлиб, уларнинг баъзилари Жиноят кодекси 661-моддасида назарда тутилган ярашув институти доирасига тушувчи жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш лозим деб ҳисобласалар, бошқа гуруҳ олимлар эса, жиноят таркиблари рўйхатини кўрсатиб ўтмасдан, маълум бир гуруҳ жиноятларни (масалан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни) ярашув институти таъсир доирасига киритиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Хусусан, Д.М.Миразов эса ЖКнинг 661-моддаси таъсир доирасига тушувчи жиноятлар таркибини Жиноят кодекси 105-моддаси (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) иккинчи қисмининг «а» банди (икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан), «б» банди (хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан), «в» банди (ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан), 112-моддасининг биринчи қисмида (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш), 140-моддаси (ҳақорат қилиш) 3-қисмида,

166-моддасининг биринчи қисмида (талончилик), 170-моддасининг (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш) иккинчи қисми, 186-моддасининг



биринчи қисми, 277-моддасининг (безорилик) иккинчи қисми ҳисобига кенгайтиришни таклиф этган¹.

Б. Муродов ҳам шунга ўхшаш фикр билдириб, Жиноят кодекси 661-моддасини мазкур моддалар билан тўлдириш лозимлиги тўғрисида фикр билдирган². Шунингдек, Д.Ю.Пайзиевга кўра 661-моддаси таъсир доирасига Ўзбекистон Республикаси ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш), 166-моддаси (Талончилик) ва 184-моддаларининг (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи қисмларини киритиш ҳамда 661-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қондани 18 ёшга тўлмаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, аёллар ва 60 ёшдан ошган шахсларга қўлламаслик ҳақида фикр билдирган³.

Бу борада Д.М.Усмонов Жиноят кодекси 661-моддасидаги ярашув қўлланилиши мумкин бўлган ЖК моддаларини ЖК 113-моддаси 3-қисми, 124-моддаси, 142-моддаси, 166-моддаси 1 ва 2-қисмлари, 167-моддаси 2- қисми «а» ва «в» бандлари, 168-моддаси 2-қисми «а» ва «в» бандлари, 169-моддаси 2- қисми, 173-моддаси 2-қисми «в» банди, 262-моддаси 1-қисми, 269-моддаси 1-қисми, 277-моддаси 2-қисмининг «а», «б» ва «е» бандларида назарда тутилган жиноятлар таркиби ҳисобига кенгайтиришни таклиф қилган⁴.

С.Содиқовнинг фикрича эса, ЖК 661-моддаси иккинчи қисмини эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга қўлламаслик лозим⁵ деган.

Ш.Ш.Садиковнинг ёндошувларига кўра ярашув институтини Жиноят кодексининг 283-моддаси биринчи қисмида (Баданга шикаст етказиш) ҳамда 284-моддасида (Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши) назарда тутилган жиноятлар ҳамда иқтисодий соҳасида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳам қўллаш

¹ *Миразов Д.М.* Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг ҳукукий ва процессуал механизмини ривожлантириш // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси материаллари.

² *Муродов Б. Б.* Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 114 б.

³ *Пайзиев Д.Ю.* Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. 2017, №3, 19-22 б.

⁴ *Усмонов Д.М.* Ўзбекистонда ярашув институтини жорий этилиши ва уни такомиллаштириш йўллари// Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 161 б.

⁵ *Садиков С.* Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш имкониятлари // “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштириш масалалари” Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (10 март 2017 йил). – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017.- 167-169 б.



лозимлиги ҳақида айтиб ўтган⁶.

Мазкур соҳада чуқур фаолият олиб борган юридик фанлари номзоди С.М.Саҳаддиновнинг фикрига кўра ЖКнинг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар ҳамда хусусий айблов аризаси асосида қўзғатилган жиноят ишлари ярашув тартибида кўрилиши лозимлиги тўғрисида фикр билдиради⁷.

Бошқа гуруҳ тадқиқотчилар эса эса, Жиноят кодексида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноят таркибларини рўйхатини келтирмасдан, маълум бир гуруҳ жиноятларини барчасини ярашув институти таъсир доирасига киритиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Бу ҳақида А.Х.Раҳмонкулов жиноят қандай квалификация қилинмасин, агар жиноят бўйича жабрланувчи ярашувга рози бўлса, мазкур ишни ярашув асосида тугатиш керак, деб фикр билдирган⁸.

Шунингдек, Р.Кабулов ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим ҳамда айбдор шахснинг жабрланувчи билан ярашганлигини Жиноят кодексида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши керак деб ҳисоблайди⁹.

Бу борада С.С.Ниезова ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозимлиги ҳақида фикр билдирган. Бундан ташқари, А.А.Расулев эса жабрланувчи билан ярашганликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтган¹⁰.

Бугунги кунда “миллий қонунчиликда ярашув институти киритилганига ҳам йигирма йилга яқинлашди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур институт фуқаролар манфаатларига хизмат қилиб келмоқда. Шу билан бирга, унинг самарали жиҳатлари инобатга олиниб, таъсир доираси кенгайтирилмоқда.

Масалан 2001 йил 29 август кунидаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари

6 Садиков Ш.Ш. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг ривожланиш босқичлари ва такомиллаштириш чоралари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – 148 б.

7 Саҳаддинов С.М. Суд муҳокамасида ярашувни жиноят процессуал такомиллаштириш муаммолари : Дисс. ...юрид.фан.ном. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005. 15-б.

8 Раҳмонкулов А.Х. О некоторых вопросах развития прав человека в Республике Узбекистан // Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони. – Т., 2004. – 72–77-б.

9 Кабулов Р. Актуальные проблемы развития института примирения сторон В Узбекистане // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборотномаси. 2012, №1, 11-12 б.

10 file:///C:/Users/User/Downloads/ZDIF+0222.pdf.



хамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун билан Жиноят кодекси 66-1-модда билан тўлдирилиб, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти жорий этилди.

Ярашувни биринчи марта жиноят содир қилган шахсларга қўллаш мумкин эди. 2004 йилда эса ярашув институти ривожлантирилиб, “биринчи марта”, деган сўзлар қонундан чиқариб ташланди. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган жиноятларнинг доираси янада кенгайтирилди.

Ярашув институти шартига кўра, жиноят содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроф бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бунда, энг муҳими, айбдор билан жабрланувчининг ярашганлигидир. Ярашиш тўғрисидаги ташаббус айбдор ёки жабрланувчи томонидан бўлганининг аҳамияти йўқ. Шунингдек, қонунда ярашувни қўллашни истисно этувчи қоида ҳам мавжуд бўлиб, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Ярашув институти жорий қилинганидан ҳозирги кунга қадар ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган жиноятлар доираси кенгайиб борди, институтнинг моҳияти эса ўзгармай келди. Яъни шахснинг ҳаракатлари суриштирув ёки тергов органи томонидан Жиноят кодекси 66-1-моддасида назарда тутилган моддалар билан квалификация қилингандagina шахс биринчи инстанция судининг ажримига асосан ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шахснинг ҳаракатлари тергов органи ёки биринчи босқич суди томонидан нотўғри квалификация қилиниб, бу хато биринчи босқич ёхуд юқори инстанция суди томонидан тўғриланиши оқибатида шахснинг ҳаракатлари ярашувни қўллаш мумкин бўлган моддалар доирасига тушадиган бўлса, шунингдек, юқори инстанцияда тарафлар ярашувга рози бўлса, ярашув институтини қўллаб, шахсни жавобгарликдан озод қилиш имкони мавжуд эмас. Қонундаги бу бўшлиқ ўз-ўзидан шахснинг ярашувга бўлган ҳуқуқи чекланишига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ярашув институтини такомиллаштириш, қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар ўз ечимини топишига хизмат қиладиган концептуал йўналишлар белгилаб берилди.

Фармонда шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини



жорий қилиш белгиланди. Бу судларга исталган инстанцияда шахсни ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш имконини бериши билан бирга, фуқароларнинг судланганлик тамғасидан халос бўлишига имкон беради.

Шунингдек, фармонга мувофиқ, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик қилиб жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳам назарда тутилди.

Демак, эндиликда вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар, шунингдек, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахсларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам ярашувга бўлган ҳуқуқи таъминланади.

Ярашув институтини такомиллаштириш борасидаги бундай муҳим ўзгариш инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойиллари кучайганидан далолатдир”¹¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ярашув институтининг жиноят қонунчилигига киритилгач ўтган давр мобайнида ушбу институтнинг жиноят-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммоларга тўпланиб қолиб, ҳозирги кунда ярашувни янада кенгайтириш имкониятини чеклаб келмоқда. Ҳозирги кунда ярашув институтини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар ва қонунчилик ташаббуси нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам амалга оширилмоқда. Шу ўринда олимлар томонидан билдирилган фикрларнинг асосли эканлигини таъкидлаб ўтган ҳолда, уларни Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига жорий қилинишини мақсадга мувофиқ бўлади.

¹¹ Элбек Турғунбоев.//URL://<https://uza.uz/uz/posts/yarashuv-institutini-llash-doirasi-kengayadi-13-08-2020>.